

ТОШКЕНТ ОКШОМИ

№ 195 (5786).

26 АВГУСТ 1985 й.

ДУШАНБА

Газета 1986 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Беш йилликнинг зарбдор одимлари

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Беш йилликнинг якуновчи йилига» шараф сурат — шари остида меҳнат қилган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи юксак марра сари даял олган йилда. Ана шу шонли санага бағишланган социалистик мусобақа натижалари ёритиб бориладиган кўрсаткичлар тахтасида устки трикотаж фабрикаси, 1-фабрика, тўқув цехи коллективлари қарши-сига айниқса кўп қизил байроқчалар қадалган. Бу маъкур коллективлар зарбдор ўн кунликлар якуни бўйича энг

яқин натижаларга эришганлигини кўрсатади. Бригадлар ўртасида 1-фабриканинг Нина Авакинд бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи пешадамлик қилаётган. Бу бригада беш йилликнинг якуновчи йили топиригини 1985 йилнинг 68 йиллигига бақаришга аҳд қилган. Бирлашманинг 1500 ишчиси, 20 бригадаси йиллик планни 7 ноябрга қадар бажариш мажбурлигини олган. Шу кунгача 200 ишчи 1985 йил планини, 700 ишчи ва 7 бригада беш йиллик топириқларини адо этди.



СУРАТДА: моҳир электр слесарь Л. Воронова. Т. Каримов фотолари.

1986 йил ҳисобига

Шаҳримиз меҳнат коллективлари ўртасида «КПСС XXVII съезди» — 27 зарбдор ўн кунлик» шори остидаги социалистик мусобақа кун сайин кенг қўл очилган. Ана шу шонли сана шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбурятлар қабул қилган пешадам цех ва бригадаларнинг коллективлари, ишлаб чиқариш илгорлари ва ва новаторлари ваъдага вафо қилиш учун ғайратта ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти.

Тошкентдаги электр монтаж буюмлари заводининг электр слесари Л. Воронова ҳам мамлакатимиз комму-

нистлари анжуманини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилган. Воронованинг маъкур корхонада ишлаб бошлаганига кўп эмас, тўрт йил бўлди ҳолос. Лекин шунга қарамай у ўз ихтисосининг мукаммал ўлаштириб олган, заводнинг энг моҳир слесарларидан бири ҳисобланади. Ҳозир бу илгор ишчи 1986 йил ҳисобига маҳсулот топириқларини, Бунга у смена топириқларини мунтазам ортири билан адо этиш, иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш ҳисобига муваффақ бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ — ИРОҚ ДўСТЛИГИ КУНЛАРИ

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистонда Совет-Ироқ дўстлиги кунлари ниҳонсига етди. Ироқ Республикасининг элчилари Тошкент ҳаёти билан танишганларидан ке-

йин Сирдарё областида бўлдилар. Улар ўз меҳнати билан Мирзачўли ўғартириб юборган ирригаторлар ва пахтакорлар билан учрашдилар. Ироқ делегацияси

кейинги кунлари Самарқандда ўтказдилар. Лифтсозлик заводида дўстлик янтинги бўлиб ўтди. Митинг охирида Ироқ артистлари концерт қўйиб бердилар.

— Ўзбекистонда бўлган кунларимизда, — деди Ироқ революцион қўмондонлиги кенгаши ҳузуридаги жамоат ташкилотлари Бош директори Исмаил Салим Ас-Сафар. — совет кишилари бизга самимийлик, меҳмондўстлик қўрсатдилар. Ўзбекистон республикаси меҳнат-қашларнинг ҳўжалик ва

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. 23 август. (ТАСС). Владимир Жоников билан Виктор Савинский «Салют-7» орбитал илмий станцияси ичидан меҳнат вақтинсизини бири-ничи ҳафтаси тугатяпти.

Утган кун кун ичида экзопланетинг программаси астрофизик ва геофизик экспери-

ментларин, медицина-биологик тадқиқотларини, станция айрим системаларини контрол тарзда текшириб кўришни ўз ичига олган.

Ер атрофи космик фазосида юксак энергияли электрон ва позитронлар ҳисоб бўлиш механизмиларини ўрганиш мақсадида шу зарра оқимлари

«Маюна» прибори ёрдамида яна бир неча марта ўлчаб кўрилади. Космонавтлар астрофизик экспериментлар планига мувофиқ планеталараро муҳитини, буржлар турини, галактикадаги ва ундан ташқаридаги заиф манбаларнинг нурланишини ҳам текшириб борадилар.

Телеметрини ўлчаб натижаларига ҳамда орбитадан қилинган докларларга кўра, «Салют-7» — «Союз Т-13» — «Космос-1669» илмий тадқиқот комплексининг учмиш нормал ўтмоқда. Владимир Жоников билан Виктор Савинскийнинг соғлиги ва кайфияти яхши.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

23 август кунин КПСС Марказий Комитетиде СССР иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик планларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия комитетларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Министрлар Советининг, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Планларнинг қандай ишлаб чиқилаётгани ҳақида СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков ахборот берди. Бу масалани муҳокама этиш чоғида СССР энергетика машинасозлиги министри В. М. Белчиш, СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министри С. А. Афанасьев, СССР қўра металлургия министри С. В. Колпаков, СССР химия саноати министри В. В. Листов, СССР трактор ва қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги министри А. А. Ежеский, СССР ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министри М. И. Буситин, СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри Б. В. Бальмонт, СССР қурилиш банки правлениесининг раиси М. С. Зотов, СССР нефть саноати министри В. Ю. Филановский, СССР монтаж ва маҳсул қурилиш ишлари министрининг биринчи ўринбосари С. В. Подобедов, СССР гушт ва сут саноати министрининг биринчи ўринбосари В. И. Демин, СССР озиқ-овқат саноати министрининг биринчи ўринбосари Ф. С. Коломиец сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев кенгашда катта нутқ сўзлади. Ҳозир бутун партия, бутун халқ КПСС XXVII съездида тайёргарлик

қўришдек масъулиятли даврда яшаб, меҳнат қилмоқда-лар деб уқтирди у. Мамлакатни ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари съездининг энг муҳим ҳўжжатларидан бири бўлади, бу йўналишлар йиллик планларда конкретлаштирилади.

КПСС Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1986 йил планининг лойиҳасини тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Унда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсификация ва унинг самарадорлигини ошириш, иттиозм ва уюшқонлиқни янада мустаҳкамлаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумини ишлаб чиққан ва халқ маъқуллаган йўл-ўла-тўйс ифодаланиши зарур.

Беш йилликнинг биринчи йилида халқ ҳўжалигининг ишчи имконияти борича натижадорроқ бўлиши, зарур суръатни бошлаб бериши, партиянинг экономикани ривожлантиришда туб бурилишни таъминлашга доир йўл-ўриқларини амалий равишда рўбга чиқаришнинг масъулиятли босқичини бошлаб бериши лозим. Шу муносабат билан 1986 йилги лойиҳа ишлаб чиқиш ҳўжалик кадрлари учун жиддий имтиҳон, кадрлар ўз иш методлари ва услубини қандай қўраётганликлари, ҳўжалик фаолиятини янги талабларга мувофиқ амалда қандай тақомиллаштиришга-ганликларининг кўрсаткичи бўлади.

Ҳар бир министрлик ва идора бўйича лойиҳасини баҳолашнинг бош метрони — унинг СССРни ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида кўзда тутилаётган топириқларга

мувофиқ бўлиши лозим. Шу муносабат билан 1986 йилги лойиҳа ишлаб чиқиш ҳўжалик кадрлари учун жиддий имтиҳон, кадрлар ўз иш методлари ва услубини қандай қўраётганликлари, ҳўжалик фаолиятини янги талабларга мувофиқ амалда қандай тақомиллаштиришга-ганликларининг кўрсаткичи бўлади.


Ҳар бир министрлик ва идора бўйича лойиҳасини баҳолашнинг бош метрони — унинг СССРни ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида кўзда тутилаётган топириқларга

мувофиқ бўлиши лозим. Шу муносабат билан 1986 йилги лойиҳа ишлаб чиқиш ҳўжалик кадрлари учун жиддий имтиҳон, кадрлар ўз иш методлари ва услубини қандай қўраётганликлари, ҳўжалик фаолиятини янги талабларга мувофиқ амалда қандай тақомиллаштиришга-ганликларининг кўрсаткичи бўлади.

Ҳар бир министрлик ва идора бўйича лойиҳасини баҳолашнинг бош метрони — унинг СССРни ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасида кўзда тутилаётган топириқларга

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ—РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИГА

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ ДАЛА НЕЪМАТЛАРИ—ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРҲОНИГА



Август ойи сабзавот ва мева-чевадарларнинг гарқ ишган палласидир. Шу кунларда шаҳар бозорлари ва сабзавот-мева магазинлари пештахталари сажий дилериянинг лаззатли ноз-неъматлари билан тўлиб-тошганлиги д а н ҳам дала миршкорлари мўл ҳосил етиштирганиликларини аққол пайкаш мумкин.

Шу кунларда шаҳар-мида узум жуда ҳам кўп сотилмоқда. Бундай неъматлар орасида Паркент районининг ҳўжаликлари етиштирган мевалар ҳам бор. Ҳар кун Паркент соҳибкорлари шаҳарга 50 тоннадан 80 тоннагача қишмиш, нимранг ҳўсайин каби узумларни армуғон етишмоқда.

Калинин районидеги «Олмазор», Тошкент районидеги Абдурахмонов номи, Оржоникидзе районидеги «Қириқ» ҳўжаликлари, Тошкент агросаноат бирлашмаси, Янгийўлдеги Усмонов Юсупов номи агросаноат бирлашмаси миршкорларни пойтахт аҳолисининг дастурхонига ҳақда ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ҳўжаликлар ҳар кун Тошкентга 25 тоннагача олма, олхўри, узум етказиб беришляпти.

Дала меҳнаткашлари пойтахт аҳолисининг дастурхонига ҳақда ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ҳўжаликлар ҳар кун Тошкентга 25 тоннагача олма, олхўри, узум етказиб беришляпти.

Дала меҳнаткашлари пойтахт аҳолисининг дастурхонига ҳақда ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ҳўжаликлар ҳар кун Тошкентга 25 тоннагача олма, олхўри, узум етказиб беришляпти.



• Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

Қишлоқда спорт ва маданият байрами

Езги спорт байрамлари қишлоқ меҳнаткашлари маданий ҳаётининг анъанавий қурилиши, оммавий физкультура ва спортни пропаганда қилиш ва ривожлантиришнинг янги йўли. Спорт байрамлари вақтида ишлаб чиқариш илгорлари, уруш ва меҳнат ветеранлари шарафланиди, бадиий ҳаваскорлик кўришлари ўтказилади, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланади. Утган шайба кунини ҳудуди шайба маданияти ва спорт байрамини Тошкент области Янгийўл районидеги У. Юсупов номи Ҳалқобод аграр-саноат бирлашмасининг стадиони-

да бўлиб ўтди. Бу байрам қишлоқ физкультурчилари кунига бағишланди. Районнинг турли бурҷакларидан ташриф буюрган кўп сонли меҳмонлар, томошабинлар ҳузурида «Коммунизм» колхозини, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсунқул номи колхоз воқал-чолу ва миллий чолуғ асбоблари ансамбли, Тошкентнинг бола-лар воқал-чолу ансамбли, «Ҳалқаро» халқ цирк коллективини, генерал Н. Петров номидаги аҳоли пунктида истиқомат қилувчи оилавий ансамбли ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрамнинг катта маданий-концерт программаси давомида кўргазмали спорт қишлоқлари бўлди. Маданий-спорт байрамидеги Тошкент Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимининг мудири С. Қ. Қурбонов, Тошкент области партия комитетининг секретари Ш. З. Камол-хўжаев қатнашдилар.



КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА

Алишер Навоий номи Тошкент кутубхонасининг кўргазмаларида кутубхоначиларнинг 50 йиллик бағишланган китоблар экспозицияси очилди.

Китоб жавонларига В. И. Лениннинг социалистик мусобақага бағишланган асарлари, машҳур шахтёр Алексей Стаханов асос солган меҳнат жасорати тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи адабиётлар қўйилган. Унинг «Шахтёрлик ҳаёти», «Ҳаётим қиссаси» китоблари ҳам экспозициядан ўрин олган. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ ШУ ҲАҒТАДАГИ ОБҲАВОСИ

Ҳафтанинг бошларида Тошкент шаҳри ва пойтахт областида қуруқ ҳаво сақланиб туради. Кеча 14—19, кундузи 31—36 даража иссиқ. Шундан кейин мамлакатимизнинг гарбий қисмидан совуқ ҳаво оқими-нинг кийриб келиши натижасида кеча 10—15, кундузи 25—30 даража иссиқ бўлади. Ана шу кунларда шамол секундида 15—20 метр тезлик билан эсади. Тоғлик ва тоғ олди жойларида бироз ёмғир ёғиб ўтади. Ҳафтанинг охирига бориб кунлар яна иссиқ кетади. Лекин кечалари салқин бўлиб туради.

Халқ контроли,
идора ва ишчи конт-
ролининг савияси
юқори кўтарилиши
керак. [Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитети XVI пленумининг ма-
териалларидан].

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Масъулият ҳиссини оширайлик

Тошкентда уруш даврида
ва урушдан кейин қўйлаб
запод ва корхоналар барпо
этилди. Шунинг учун ҳам
корхоналарни техника жи-
ҳатидан қайта жиҳозлаш ва-
зифаси шахрнинг учун ақу-
ал аҳамият касб этди. Бу
яна шунинг учун ҳам муҳим
ки, шаҳардаги деярли барча
меҳнат ресурслари ишлаб
чиқариш ва хизмат кўрас-
тиш соҳаларида ишга со-
линган.

Жойлардаги ишларнинг
аҳоли ва халқ контроли ко-
митетларининг текшириш
якунлари шунга қўйиб тури-
бдики, фан-техника ютуқ-
ларини жорий этишни бир
қатор асосий йўналишларда
базин ижобий натижалар-
га эришилди, бироқ умуман
саноат, капитал қурилиш,
транспортда ишлаб чиқариш
ни интенсификация, бошқариш
нинг форма ва методлари,
хўжалик фаолияти психоло-
гисини лозим даражада қай-
та қуриш содир бўлмапти.
Дастгоҳлар ишлаб чиқариш
бўйича кўпгина қувватлардан
ёмон фойдаланилган. Шу
жумладан компрессорлар, жи-
гурув машиналари, синтетик
ювиги васситлари ишлаб чи-
қариш қувватларидан ҳам.
Корхоналарда смена коэффи-
циенти паст. Бунинг устига
20 мингдан зиёд дастгоҳлар
ҳали ўрнатилмаган. Тош-
кент трактор заводида 23,5
миллион сўмлик, кабель за-
водида 4,1 миллион сўмлик
дастгоҳлар ўрнатилмаган.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети XVI
плениуми ишларни тубдан
қайта қуришни талаб этган
эди. Айрим раҳбарлар эса
ҳақон эскичакча иш олиб
бормоқдалар. Янги техника
ва илгир технологияни жо-
рий этиш ҳисобига эмас,
бадди ишчилар соқини қўй-
тириш аҳолининг талабларини
бажармоқда. Ташкилий-тех-
ник жиҳатдан бир жойда
депсиниб қолмоқдалар. Фан-
техника тараққиёти пробле-
маларига эътиборсизлик бил-
лан қарамоқдалар. Эскива-
тор заводи, «Ўзбеклопо-
маш» бирлашмасида ва бош-
қа корхоналарда шундай ҳол-
лар рўй бермоқда.

Текширишлар шунга қўй-
сатишгани, экскаватор за-
водида (қувоҳ ҳеҳида), асбо-
созлик, компрессор, электрон-
техника заводида ва тўқу-
мачилик комбинатида рекон-
струкция анча қўзғиб юборил-
моқда.

Бунинг оқибатида мазкур
корхоналар замон талабидан
орда қолган машина ва даст-
гоҳларни ишлаб чиқармоқда-
лар. Кишлоқ хўжалик маши-
насозлиги корхоналари ҳам
шундай.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш
интнзозинини мустаҳкамлаш,
ишлаб чиқаришнинг аҳолининг
прогрессив формаларини жо-
рий этиш бўйича ҳали ҳал
этилмаган масалалар кўп. Са-
ноат соҳасида иш олиб бо-
раётган ўн мингта бригадалар
дан фақат 6 мингтагина
меҳнатдаги иштироки коэф-
фициентини (КТУ) қўлаган

ҳолда сўнгги натижага қараб
ҳақ тўлаш асосида ишламоқ-
да. «Главлантентстрой» кор-
хоналарини текшириш шу
ҳам кўрсатиб турибдики,
бу масалага юзаси ёндош-
моқдалар. КТУ бу ерларда
азодаларнинг иштирокисиз,
мастерлар томонидан белги-
ланмоқда.

Бу ерда икки йилдан буён
бетон ишларини комплекс
механизациялайдиган ком-
плекс машиналардан деяр-
ли фойдаланилмапти.

Бу йил шаҳар ва район
халқ контроли комитетлари
фан-техника тараққиёти
ютуқларини жорий этиш бил-
лан боғлиқ масалаларни кў-
риб чиқди. Бу масала ша-
ҳар халқ контроли комитети-
да, Октябрь, Киров, Куйби-
шев, Сергели, Ҳамза, Чи-
ловзор район халқ контро-
ли комитетлари, В. П. Ча-
лов номидидаги авиация иш-
лаб чиқариш бирлашмаси
халқ контроли комитетиди
кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар халқ кон-
троли комитети «Ташпром-
строй» бирлашмасининг 1-
қурилиш-монтаж бошқарма-
сида техника тараққиёти
ютуқларини жорий этиш ма-
салаларини кўриб чиқди.
Шуни қайд этиб ўтдик, бу
бошқармада ишлаб чиқариш
билан боғлиқ бўлмаган хара-
жатлар кўпайиб борапти.
Ишлаб чиқаришнинг тақкил
этиш ва технологиянинг прогр-
ессив усулларини жорий
этиш ёмон аҳволда. Ишлар
таннариҳа қимматлашиб кет-
япти. Рационализиаторлик ма-
салаларига эътиборсиз қарал-
ган. Илгир усулларни жорий
этганини учун моддий ва
маънавий рағбатлантириш
йўқ. Буларнинг ҳаммаси эса
биринчи қурилиш-монтаж
бошқармасида қабул қилин-
ган техникавий ва ташкил-
ий қарорларнинг савияси
тушиб кетишга олиб кел-
моқда. Комитет бу масала-
лар юзасидан тегишли тад-
бирлар белгиледи.

Бирок, умуман тақкил
шунга қўйиб турибдики,
биз бу масалада кўп нарсалар-
ни ниҳоятга етказмаля-
миз. Ўз-ўзини танқид руҳи-
да шуни таъкидлаш кераки,
техника тараққиёти масала-
лари бўйича текширишлар
бизда ҳали бўш, жойлардаги
ишларнинг аҳолининг яхши-
лашга амалий таъсир кўр-
сатолмапти. Айрим текши-
ришлар юзаси бўлиб қолмоқ-
да. Нуксонларнинг сабаби ва
моҳияти очиб берилмапти.
Текширилган объектларда
иш аҳолининг яхшилаш бўй-
ича тавсиялар берилмапти.

Баъзан эса масаланинг но-
ми бору, амалда эса текши-
риш техника тараққиёти ма-
салалари бўйича нима-
қилинганлигини очиб бер-
маляпти. Биргина мисол кел-
тириб ўтмоқчимиз. Шаҳар
халқ контроли комитетининг
фан бўлими ПКБ АСУни
қўллашнинг аҳолининг тек-
ширишнинг илмий ишлар са-
мардорлигини ошириш тўғ-
рисидаги, уларни ишлаб чи-
қаришга жорий этишни жа-



Группа ва постларда

Юксак мезон билан

КПСС Марказий Комитетининг ап-
рель (1985 йил) Пленумида назорат-
чилар олдига турган муҳим вазифа-
лар ҳам белгилан берилган эди. Унда
таъкидланганча, ҳар бир текши-
риш амалий ёрдам келтириши, умумий
иш манфатларига хизмат қили-
ши керак. Текширишларнинг таъсир-
чанлигини ошириш борасида ҳам
кўпгина вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитетининг XVI пленуми эса
салбий кўринишларга қарши шаф-
қатсиз ўт очини, уларга қатъият
билан барҳам беришни талаб қилган
эди. «Сигнал» илмий-ишлаб чиқ-
ариш бирлашмасининг халқ контро-

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Ленин райони

Район халқ контроли комитети рай-
ондаги базин корхона ва муассаса-
ларда озодагарчилик ва атроф-му-
ҳитини муҳофаза этиш бўйича текши-
риш якунларини кўриб чиқди. Бун-
да бир қатор камчилик ва нуқсон-
лар аниқланди. Масалан, «Средаз-
электрострой» ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг бош заводида бу иш-
лар етарли даражада олиб бори-
лмапти. Назоратчилар корхонадан чи-
қаётган чиқиндиларнинг атроф-му-
ҳитини ифлослантираётгани ҳақида
конкрет фактларни келтирдилар.

Тошкент химия-фармацевтика за-
водида ҳам худди шундай ҳолни кў-
риш мумкин. Октябрь революцияси
номидидаги тепловоз ремонтни, «Таш-
химсельмаш» заводларида ҳам ат-
роф-муҳитни ифлослантиришга «хис-
са» қўшиб ҳоллари аниқланди. Уму-
ман, район кўчалари, ташкилотлар,
базин чиқиндиларни ёқиб юбориш—
турар жойлар олдидидаги чиқинди-
ларни ўз вақтида олиб кетмаслик,
ҳавонини ифлослантиришга йўл қўйи-
лганга қўрсатиб ўтилди. Айбдорлар
тегишли жазоларини олдилар.

Киров райони

Бир қатор корхоналарда ичкилик-
бозиллик қарши курашини кучайти-
риш бўйича партия ва ҳукуматимиз
қарори қандай бажарилаётганини
текшириб чиқилди. 1-Тошкент ёғиш
заводлари бошқармасида бу иш
қониксиз олиб бориляпти. Номга-
гина тузилган комиссиянинг иш пла-
ни йўқ. Ўтказилган рейдлар расмий-
лаштирилмади. Цехларда бу бора-
да ишлар суст.

«Тошкент» тамаки фабрикасида
ҳам қатъий назорат ўрнатилмаган. Бу
корхоналарда меҳнат ва ишлаб чи-
қариш интнзозинини қатъий йўлга қўй-
иш зарурлиги ўқтириб ўтилди. Мав-
жуд нуқсонларга барҳам бериш тад-
бирлари белгиланди. Иш режими-
га риоя қилмаган, ичкиликбозлик ва ал-
коголизмни бартараф қилиш бўйича
тадбирларни қониксиз бажарганли-
гини учун магизинларнинг мудирла-
ридан Е. Хошимов, Р. Пулатова қат-
тиқ виговор, Х. Азизжонов, Р. Рах-
матуллин, Н. Ремизовларга виговор
берилди.

Куйбишев райони

433-болалар богчасида болаларни
овқатлантириш ёмон ташкил этилган-
лиги, богча мудириси Р. Зонтова ишга
кечкилиб келиши, меҳнат ва ишлаб
чиқариш интнзозинини бузиш ҳоллари
тобора авж олаётгани ошкор бўлди.
Район халқ контроли комитети шун-
и таъкидладики, ошпазларнинг совуқ-
қонлиги ва улар устидан назорат
ўрнатилмаганлиги оқибатида бу ерда
ҳам қозондан, ҳам қўчиндан уриб
қолишлар содир бўлган. Омборхона-
лар жуфта ифлос ҳолда, бу ерда ҳам-
ма нарсаси аралаш-қурашган. Хўжалик
мудириси қонунини бузган ҳолда
омборхонага ҳам мудир қилиб та-
йинланган. Холбуки район халқ мао-
рифи бўлимининг бунга рўхсатнома-
си йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси бог-
ча мудириси Р. Зонтова ва бошқа
масъул шахсларнинг ўз вазифасига
масъулиятсизлара муносабатда бў-
лиши оқибатида рўй берган. Унга
район халқ контроли комитети қат-
тиқ виговор берди.

Сергели райони

Район депутатлари, «Комсомол
прожектори» активлари, мутахассис-
лар ва халқ назоратчилари иштиро-
кида ўтказилган текшириш шунини

кўрсатдики, районнинг 10 та мага-
зини сабабот ва мевалар билан қо-
никсиз таъминланмоқда. «Дала»
магазини системаси бўйича магизин-
ларга масъулотлар ўз вақтида кел-
тирилмапти.

8-магазинда витринага майда кар-
тошка ва помидорлар қўйилган. Хол-
буки, совутичда сараланган поми-
дорлар, қоп-қоп картошкалар сақ-
ланган. 9-магазинда (мудир Э. Пин-
хасов) тарозидан уриб қолиш ҳол-
лари, 3-магазинда (мудир А. Йўл-
дошев), 5-магазин (мудир Л. Ша-
рипов) сабзавотлар баҳосини осиб
қўймаслик, сабзавотларни хилларга
афкормаслик сингари нуқсонлар мав-
жуд. 4-магазин филиали негадир иш
вақтида берк бўлган. «Феруза» мага-
зини қошидаги сабабот дўкониди
(магазин мудир вазифасини бажар-
увчи Д. Аширов) витринага майда
картошка қўйиб, омборхонада бир
тоннадан зиёд йирик картошкалар
сақланган. 7-магазинда 200 сўмлик
дан зиёд аниган гўшт махсусотла-
ри сақланган. Кўпчилик айбдорларга
виговор эълон қилинди.

Фрунзе райони

«Ташаготлубром» бирлашмасида
шат-молия интнзозинини бузиш ҳол-
лари аниқланди. Катта бухгалтер-реви-
зор, Х. Мурзаконнова 28 сўм 90
тиини микдоридида йўл ҳақи учун
ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштири-
лмаган. Идорага қарашли енгил авто-
машина шифофига берилган 31 сўм
ҳам расмийлаштирилмаган. Жами ко-
нунис суратда 59 сўм 90 тиини тў-
ланган. Бундан ташқари ўриндош-
лик йўли билан ишлашга рўхсатнома-
си бўлмагани ҳолда электр монтер-
ларга ҳақ аъилган. Бу нуқсонларнинг
бош сабаби шундаки, «Ташаготлуб-
ром» бирлашмаси бошлиғи Н. Шо-
расулов шат-молия интнзозинини бу-
зиш ҳолларига мурасоозлик қилган.
Бош бухгалтер К. Пак эса шат-мо-
лия интнзозинини бузиш ҳолларини на-
зорат қилмаган. Йўл қўйган бу нуқ-
сонлари учун Н. Шорасуловга ва
К. Пакка виговор берилди.

Ҳамза райони

«Средазэлектросетстрой» трестин-
инг махсус қурилиш-монтаж бош-
қармасида ўтказилган текширишда
шу нарсаси маълум бўлдики, бошқар-
ма бошлиғи А. Плетневнинг назорати-
ни бўшаштириб юборганлиги оқиб-
атида бу ерда шат-молия интнзозини
бузилган.

Масалан, шу йилнинг январидан 1
июлгача 9 киши конунис суратда
ўриндошлик йўли билан ишга оли-
ган: холбуки ўриндошлик йўли
ишлаб чиқариш рўхсат ҳақида сўрама
ҳам йўқ. Касаба союз комитетининг
розилиғи ҳам йўқ. Шу давр ичиди
13 киши конунис суратда ишга
олинган. Буларнинг ҳаммаси бош-
қарма кадрлар бўлимининг қатта
инспектори Н. Ярова ва бош бух-
галтери С. Губованиннинг ўз вазифа-
ларига совуққонлик билан муносабат-
да бўлганлигидан туйғулди содир
бўлган. Район халқ контроли ко-
митети бошқарма бошлиғи А. Плетне-
ва ва бош бухгалтер С. Губовага
қаттиқ виговор берди. Кадрлар бўли-
мининг қатта инспектори Н. Ярова-
нинг шу вазифада қолиш-қолмасли-
ги масаласини кўриб чиқиш топши-
рилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети XVI пленумининг салбий
ҳодисаларини бартараф этиш бўйича
қўйган талабларини ҳамма жойда
оғишмай амалга ошириш керак.

Шаҳар халқ контроли комитетиди

Шаҳар халқ контроли
комитети ўзининг на-
вабатида махсуслаш-
КПСС Марказий Коми-
тет ва СССР Министр-
лар Советининг, СССР
Олий Совети Президи-
умининг ичкиликбоз-
лик ва алкоголизмни
бартараф қилиш тадбир-
лари тўғрисидаги қар-
ор ва Фармонини ша-
ҳар савдо корхоналари
қандай бажараётганини
текшириш якунлари-
ни кўриб чиқди.

Бу текширишда барча
район халқ контроли
комитетларининг юз-
лаб халқ назоратчи-
лари қатнашди. Умуман
олганда шундай ҳулоса-
га келиш мумкинки, ав-
валлари спиртли ичимлик-
лар деярли ҳар бир
буриқда сотилаверар эди,
1060 магазиннинг
чиرويли витринала-
рига ранг-баранг эти-
кеткили ароқлар жуфта
чиرويли қилиб териб
қўйилар ва ичмучилар-

ВИТРИНАДА ВА МАГАЗИНДА

нинг кўзини ўйнатарди.
Бугунги кунда спиртли
ичимликлар билан савдо
қиладиган магазин-
лар 217 тага қамайти-
рилди. Уларнинг ҳамма-
си саноат корхоналари,
қурилиш, ўқуа юртлари
ва болалар муассаса-
ларидан энг қамқида бир
километр узоққа Бадер-
га қилинди.

Спиртли ичимликлар
сотиш рўхсат берилган
қўпчилик магазинлар-
ни текшириш шунини кўр-
сатдики, спиртли ичи-
мликлар сотиш бўлима-
ри жиҳозланган, умумий
савдо заводида ажратил-
ган, уларнинг ҳаммаси
чегараланган алоҳида
кириш жойи барпо этил-
ган. Уларда спиртли
ичимликлар фақат соат
14 дан 19 га ҳарид
қилинади, холос. Масъу-
лзулар харидорлар-
ни бу бўлимларнинг иш
режими ва вино-ароқ
билан савдо қилиш қои-
далари билан таништи-

ради.
Бирок халқ назорат-
чилари айрим савдо
корхоналари ишида-
ги кўпгина нуқсонларни
аниқладилар. Масалан,
авваллари вино-ароқ бил-
лан савдо қилиниб кел-
ган, ҳозир эса уни со-
тиш тақиқланган мага-
зинларда витрина-
ларида ишчилар кўр-
инмас-да, омборхо-
налар спиртли ичимлик-
лар билан лик тўлиб
этибди. Гап шундаки, бу

магазинларда спиртли
ичимликлар олиб ке-
тилган эмас. Бу эса маз-
кур магазинларда савдо
қилганларнинг бузиш
га йўл очиб беради.
Сергели районидида тек-
ширилган 10 та мага-
зиндан 7 тасида омбор-
хоналарда винолар то-
пилди. 2-магазиндаги
Шарбатлар бўлимида
эса машхур «Чашма»
ва «Зарафшон» винола-
ридан бўшган ишчи-
лар ётарди. 4/1 мага-

зинида эса совутичда
53 ишча «Белое столо-
вое» виноси топилди:
бериктиб қўйилган экан.
Ҳамза райишчиловтери
бўйича 11 та магазин
текширилди. Шундан 7
тасида қонун бузилиш-
лари аниқланди. Масала,
19-магазинда спирт-
ли ичимликлар сотиш
тақиқланган. Аммо шу
бўйича 11 та магазин
ниси мутлақо тушунар-
сизки, бу ерда алкого-
лизм сиз ичкиликлар, шар-
батлар ҳам йўқ эди.
Худди шундай хол Чи-
ловзор райишчиловте-
рининг базин магазин-
ларида ҳам бор. Харид-
дорлар лимонада, пепси-
ка, мева шарбатлари-
ни ишташпти. 14-мага-
зинда 20 хил товерга
баҳолар аъиб қўйилма-
ган. Ердмчи ҳонада э-
са 400 килограмм сарё
сақланган, холбуки у
савдода йўқ эди. Назо-

ратчилар шу ерда бир
сатномаси бўлмаса ҳам
тоғнага яқин қанда
пийшди, у намикиб, ароқ,
танглик, харидорлар
махсусотлар иштириб
қўйилганлиги учун, ш

Худди шундай ҳоллар
«Ташлодоовош» бир-
лашмаси ва бошқа тор-
ларнинг текшириш ўтқа-
зилган магазинларида
ҳам аниқланди.

Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Коми-
тети XVI пленуми талаб-
ларига эид иш тутгани-
ги, қонунин бузганлиги,
идорага қарашли корхо-
налар иши устидан на-
зорат ўрнатмаганлиги,
у харидорлар ҳақида хиё-
нат қилинганлиги, руҳ-
тирилдилар.

Дунёда ҳар хил қизикарли
мусобақалар ўтказилганидан
хабарингиз бўлса керак. Тўхтов-
сиз энг узоқ гапириб ёки узун
мўйлов қўйиб мусобақаси. Бу
рўйхатини яна давом эттириш
мумкин. Биз ҳикоя қилмоқчи
бўлган мусобақа ҳам анча ға-
латли, кўз қўриб, қўлоқ эшит-
маган мусобақалардан.

Айтишларича, Ҳамза, Фрун-
зе, Куйбишев районларининг
базин ходимлари район хўжа-
лигини кузги-кишки масъу-
маларга таъйинлаш энг орқада
қолиш мусобақасини ташкил
этишган эмиш. Бунга аёблан-
масизми! Биз ҳам аввалги би-
роз таажубландик. Йўқ, ке-
йинчалик фактлар магизин
чаққанимиздан сўнг ана шун-
дай мусобақа ҳақиқатдан ҳам
ўтказилганига ишонч ҳосил қил-
дик.

Мана, фактларга мурожаат
қилиб кўрайлик. Куйбишев
районида 1985—86 йилги кузги-
кишки масъуламга район хўжа-
лигини қониксиз таъйинлаш
бўйича базин ташкилотлар ал-

ТАНҚИД ЎТИ ОСТИДА

лақачон «рекорд» қўйишди.
«Таштеплокоммунэнерго» ўз
кучлари билан ер қазиб ишла-
ларни 45 процент, ариқлар
очини планини 20 процент эди
этан, холос. Улар ҳозирча
графикдан 20 кун орда қол-
моқдаларки, бу уларга мусо-
бақада ҳали қолиб чиқиш-чиқ-
маслигини аниқлаб беролма-
ди.

Ҳамза районининг базин хо-
димлари ҳам кузги-кишки мас-
ъуламга таъйинлар бўйича ту-
зилган тадбирлар планини бар-
бод қилишда чақки эмас-ов.
Масалан, район турар жой иш-
лаб чиқариш эксплуатация
трестидидаги капитал қури-
лиш ва жорий ремонт бўйича
ишларни бўш назорат қилиш-
ни уларига қасб қилиб олиш-
ган. Гап қуруқ бўлмаслиги
учун бир мисол келтириб ўти-
шқиди. «Ташсельмаш» маси-
нидаги 3-уй, Боткин кўчасидаги
8, 8-ава уйлар кузги-кишки
масъуламга таъйинлариди. Бал-
конларда конунисиз суратда

ўрнатилган радиаторларни
олиб ташлаш ҳам суст бор-
моқда. Истихит системалари-
нинг профилактикаси график-
дан бажарилмапти. 20 та уйдан
бор-йўғи 11 тасида профилак-
тика ўтказилган, холос. 63-тур-
рар жойлардан фойдаланиш
участкисига қарашли 88 та уй-
дан 39 таси қишга тайёрлан-
ди, холос. Трестда меҳнат-
кашларнинг қишга ёмон тай-
ёргарлиқ қўйилганлиги ҳақида-
ги шикоятларини кўриб чиқиш-
ни уларига эд билмайтирляпти.

Фрунзе районидида ўтган
йили Ш. Руставели, Солотамин
қўчалари, Ленин проспектида-
ги турар жойларни истихитида
нуқсонларга йўл қўйилган эди.
Уларнинг базинларидида иссиқ-
ликнинг ўлмаси приборлари мут-
лақо йўқ. Еки борлари ҳам бу-
зуқ. Ерўйлада ва иситиш узел-
ларида вентиляция йўқ.

Район турар жой ишлаб чи-
қариш эксплуатация трестига
1985 йилда капитал ремонт учун

1378 минг сўм ажратилган эди.
Шу йилнинг ўтган биринчи яр-
мида 644 минг сўм ўзлашти-
рилди. Еки белгиланган иш-
ларнинг ярми ҳам эди этилган
эмас. Турар жой фондини жой-
рий ремонт қилиш қониксиз
аҳволда. Истихит системалари-
нинг профилактик ремонт қи-
лиш суст олиб бориляпти.

Хўш, профилактик ремонт-
нинг бундай сустчилигига са-
баб нима? Базин зарур мате-
риаллар етишмади. Меҳнат
ёмон ташкил этилган. Мастер-
лар ва иккенерлар ишларни
бўш назорат қилмоқдалар.
Барча 58 иссиқлик узели кон-
троль-ўлчов приборлари билан
жиҳозланмаган. 59-турар жой-
лардан фойдаланиш участкаси
жорий ремонтни қониксиз
ўтказишда барча мусобақадош-
ларнинг орда қолдириб кетса
керак. Чўнки улар то устини
ремонт қилишни бор-йўғи 57,6
процент эди этишган, холос.

Ахир рўйхатдаги 13 та уйдан
бор-йўғи 5 тасини капитал ре-
монт қилиш мусобақада қилиб
чиқиш имконини бермайдими!

Энди, бу фаройиб мусобақа
иштирокчилари қиллар экан,
деб қизикавтган бўлсангиз ке-
рак. Ҳозирча бу мусобақада
иштирок этаётганларнинг ҳам-
масини санаб чиқиш имкония-
ти йўқ. Қолверса, бунинг оқ-
шомхонлар учун унчалик ки-
зиғи ҳам бўлмаса керак. Аммо
мазкур районларнинг халқ кон-
троли комитетлари мусобақа-
нинг биринчи турига якун
қилишди. Ҳозирча биринчи тур-
да «ғолиб» чиққанларнинг ном-
ларини эълон қилишимиз мум-
кин. Мана, улар:

Куйбишев райони бўйича
«Таштеплокоммунэнерго» иш-
лаб чиқариш бирлашмасининг
3-энергорайони бошлиғи М.
Ражабов, 82-турар жойлардан
фойдаланиш участкасининг
бошлиғи Т. Хмельева, 19-турар-
жойлардан фойдаланиш участ-
касининг бошлиғи Х. Мутали-
евлар бор.

Энди бир группа мусобақа
иштирокчилари борки, уларга
фақат танбех бериш биланги-
на чекланилди. Булар орасида
59-турар жойлардан фойдала-
ниш участкасининг бошлиғи М.
Ражабов, 82-турар жойлардан
фойдаланиш участкасининг
бошлиғи Т. Хмельева, 19-турар-
жойлардан фойдаланиш участ-
касининг бошлиғи Х. Мутали-
евлар бор.

Фрунзе райони бўйича: рай-
он турар жой ишлаб чиқариш
эксплуатация трестининг бош
инженери И. Илмий турар жой
фондини кузги-кишки масъу-
ламга таъйинлаш бўйича «хик-
мат»



● Маданият
янгилари

СЕРМАЗМУН
РЕПЕРТУАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театри коллектив янги ижодий мавсумга катта тайёргарлик билан келди. Янгида коллектив ана шу мавсумни Мухтоар Ашрафий ва Сергей Василениннинг «Бурюни операсини санъат шай-долари эътиборига ҳавола қилиш билан бошлади».

Республикамизнинг йил кийин келган қишнинг бўлиши ушбу театр коллективининг КПСС XXVII съездининг муносиб меҳнат тўғрисидаги қарарга қўйилган талабларни қўйиш учун тайёргарлик қилиш келтирилган йилда режиссёрлар жуда ҳам катта, ҳозирги кунда ижодий коллектив томошбинларга янги асарлар тақдим этиш устида ҳам қизғин иш олиб бормоқда. Бердиннинг «Отелло» операси ана шундай тайёргарликнинг улкан маҳсули эканига томошбинлар ақли кунларда гувоҳ бўлишди. Мазкур операни театрининг бош режиссёри Ф. Сафаров, бош дирижёр Д. Абдураҳмонов ва раҳсон Г. Бримлар тайёрламоқдалар.

Бундан ташқари ижодий коллектив бу мавсумдаги план бўйича композитор Моцарт ижодига ҳам мурожаат этди. «Отелло» операси устида ишлар низоҳисига етган, «Дон Жуан» операсини сахналаштиришга қаршилди.

ҚАРДОШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги қатор билим ўқоқлари, кутубхона ва кинотеатрларда ташкил этилаётган кўргазмалар яхши аҳва-да айланган қолган. Ушбу кўргазмалар қизиқар-лиги ва аниқ пайда таъсирчилар дунёқара-шини ўқитишдаги роли билан муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, ки-тоб магазинларда ўткази-лаётган кўргазмалар ҳам-маҳаллариникига мана-зур бўлмоқда. Ана шун-дай кинотеатр кўргазмалари-дан бири бир неча кун-дан бери «Дустилик» ки-тоб магазинида муваф-фақият билан намойиш этилмоқда.

Корея Халқ Демокра-тик Республикасига ба-ғишланган ушбу киноте-а кўргазмасини шу кунга-ча минглаб ҳамшаҳарла-римиз, пойтахт меҳмонла-ри бориб кўришди. Бу ерда 150 дан зиёд экспонат намойиш этил-моқда. Корея классик адабиёти ва ҳозирги за-мон адабиёти намунала-ридан ташкил топган уш-бу кўргазма корея ёзув-чиларининг тўлақонли ижодий кўргазмаси си-фатида катта эътибор қозонмоқда.

«Дустилик» кинотеат-рини кўрдан бери ана шундай кўргазмалар ўт-казиладиган эки маска-нига айланган. Йил бо-шидан бери ушбу мага-зинда ўндан ортиқ қар-дош халқлар, чет эл ма-макатлари адабиётини муваффақиятли кўргазма-лар ўтказишди. Йил охиригача бу ерда мана шундай кинотеатр ан-жундан ана бештаси ўтказилиши мўлжаллан-моқда.

АТЕИСТИК МАВЗУЛАРДА СУҲБАТЛАР

● Бўлган воқеа

УМИДЖОННИНГ КЎЧҚОРИ

Дала ҳовлининг олдида катта сой оқиб ўтади. Икки соҳил я-шай. Турли буталар, дов-дархатлар эрта баҳорда зумрад исирғалар та-қиб, ёз бўйи кўм-кўк барг ёзиб ту-ради, кузда сарғайди. Умиджон шу гулшан сой бўйида пешонаси оқ қашқа кўчқорини зақ билан боқиб юрди. Кўчқори жуда чиройли. Сой бўйида ўтлаб қоринини тўйғазди-да, узоққа кетмай ўртоғи Равшан билан шашка ўйнаб ўтирган. Умид-жоннинг шундай ёнига келиб ётади, баъзан эгасининг елкасига, бўйига

«Саодат» журнаlining бош редактори, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ГУЛЛАР СОЧИБ ЙЎЛЛАРИНГИЗГА

Мен шу тупроқ куйчисиман

Мен шу тупроқ куйчисиман, ким айтар:
«Тинар!»
Қайси бир кун гуллаган шох мисоли синар.
Синсам агар, яратмоқдан толса тафаккур,
Милт-милт ўча болса гар қорағида кўр.
Қалам тўша қўлларимдан етмай бардо-
шим,
Фикрларнинг шиддатидан толқиса бошим,
Бир «оҳ» тортиб ўзин яна қайта тиклайман,
Мен шундай, ҳа, синганда ҳам куйловчи
найман!
Қаламнинг сўнг бор ўлиб, олурман кетмон,
Аммо ўлгунча ёзмоқни бир он тарк этман.
Гарчад тафаккурин тугён чарчоғи елди,
Чинакам ер шонин бўларман энди.
Дафтар бўлар бир кун келиб жонсизгар
шу ер,
Дириллаган кўк майсалар — янги ёган
шар.
Гарчад, гоҳ дам «синдимми», деб кўзим
ёшлайман,
Учлик билан кетмонимда ёза бошлайман,
Ёзман мен, ерини охи тина боради,
Сочган уруғларини қийос уна боради,
Мен ёзман, қота бошлар бошқоқдан дон,
Бут ризқи рўз суруридан ойдайд балдар
жон.
Удбаурро қўлларимдан мен тамом рози,
Қайналасан чалар улар, туссам қай
созин.
Мен ёзман, кетмон билан бетин ёзман,
Дашт, тепалик, қумта бирин-кетин ёзман.
Ер юзюда мен ёзманган ер қолмас балки
Ва оқибат, ёзувларим билан тенг балки.
Қадим ерда сўниш билмай порлаб кеттум
мен,
Қай қуролни ишлатсам ҳам ёзиб
ўтум
мен.
Мен шу тупроқ куйчисиман.

Ҳижрон кунларида

«НАЗОКАТНИНГ ДОСТОНИ» ДАН
Ҳеч кимсан қақирмайман, ўзга қўмакка
Ҳожат борми, ўтир, дардим эшит, демакка
Чуки мен сен тушунмай қолдинг, мен
якка.
Ҳолбуки сен бир қарашда кўриндинг
совуқ,
Бир қарашда... кейин, ўзинг бўлдинг
чирмовуқ
Айб йўқ эмас менда ҳам, мен деёлмадим
«йўқ»
Энди мени ҳар қадамда Висол кутарди,
Ҳар қадамда кучли кўлинг арша кутарди,
Шодмон эдим чуки йўлдан Сен-ла ўтардим.
Бу йўл чети дархатларда қўшлар чуви-
лаб,
Кеча ғужгон ўйнар эди, бутун хувиллаб
Қолган бу йўл, чуқин... чуқин мен бўлдим
тулаб.
Йўқ, ҳали ҳам яқна эмас, сирдошнинг бордир
у — ёлғизлик, қучоқ оғир, қучоғи жордир.
Воҳ-ки бутун менга Сенмас, у муштон,
зордир.
Толе экан, тушдим бир сўз, қорлик, муз-
ликка.
Қўрдим, тағин алданмай деб айри сўз-
ликка.
Мен тобад кўнгил бердим шу ёлғизлик-
ка.
Ҳеч кимсани қақирмайман...

Ишонч дарвозасида

Ишонч кўрғонини қуриб кетганлар,
Бу кўрғонда яйраб, юриб кетганлар.
Кимга зах кўриниб кўрғон ичи гоҳ
Чикиб ўнг ёқ чаппа уриб кетганлар.
Уриб кетолмадим ёлғизгина мен,

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА,

ридан она юртимиз шабадаларининг салқин на-
фаси уфуриб турди. Ўзбек хотин-қизларининг
севимли журнали «Саодатга» бош муҳаррир-
лик қилиш билан бир қаторда шоира янги пайт-
да янги тўплам устида ҳам куюнчаллик билан
иш олиб борапти. Бу тўпламга киражак шеър-
лар ҳам истеъдодли шоиранинг Ватанга бўлган
муҳаббат, эътиқоди, эзгу ўй-кечинмалари маҳ-
сулларидир.

Ишончингдан чиқдим. Кўрғон ёнида.
Дарвозага боқиб ҳолсизгина мен
Ўтирибман, оёқларим чопилди.
Ҳаёт давом этар кўли гулгул, шўх
бахтлар чорлайверар, имлайверар шон.
Бироқ, кетмоқликка менда оёқ йўқ
Бир кун дарвозада беражаман жон.

Қизқ туйту, қилмассиз даф
Ўқсалиб, гоҳ толиб яшайсиз.
Бехавотир яшайман, сабаб
Сиз хавотир олиб яшайсиз —
Сулман мен, сийланаман мен
Гуллар сочиб йўлларингизга
Бехавотир суянаман мен
Чирмаб олган қўлларингизга.
Сизга ҳукмин ўтказолмас Вақт
Сиз муҳимсиз, Бахт тоғлариди.
Мен ўрганиб яшайман хушбаҳт
Хавотирнинг қучоқларида.

Сўзамолсиз... йўқ, бермайсиз гал
Сўзда жавлон уварасиз.
Узун кунинг тугатиб тугал
Ғайри тунга улаворасиз.
Нафрат билан мен жуфтлайман лаб
Йўл бермайсиз...
Яхшим — жаҳл, ўч-ўчимда қолар
Яхшим, мен Сизга айтар гап
Айтилмасдан ичтимда қолар.

Шу хил сирин сотмас кўзлар бор...

Бу эшикка кия теккизган қўл
Бир белги йўқ, овоз ҳам йўқ. Жим.
Йўқ, йўқ ун чирмаган жамқул
Ким билди ичкарида жамқул
Ичкарида узун ҳаёт деми
Унда кимдир кетганда яшар.
Мезбон янгилик қирган-у олдин



Сўйга кетган меҳмонга ўхшаб.
Ичкарида кунлар, оқшомлар
Ва суварларнинг лойқа, тиниғи
Ичиган-у, отилган жомлар
Ва уларнинг, тўп-тўп синиғи...
Бу бари туш ўртанмай шу зум
Шубҳаларини сочинг елга Сиз.
Ўнгдигин: ичкариси жим,
Ташқариси эшик, белгисиз...
Шу хил сири сотмас кўзлар бор.

Онажон, ўтир бир ҳасратлашайлик
Мен неин айтмадим, инимдир айтдим.
Барчасини унутдим, сен-ла яшайлик.
Югурик йўлларда тўхтадим, қайтдим.
Онам, тахтоғинам, ёлғиз ойимсан —
Умринг саволларидир, яқнаш саволлар.
Сен менинг кўрақда орғинқойимсан —
Кечир ололмадим уни доволаб.
Нега, нега сўрар кўзларинг чўкиб,
«Нега»лар сарғайтар рангининг кун-тун.
Сўроқлар остида куз япроқ тўкиб,
Кўклар келаверар қувонч бермас ун.
Таърифи энг буюқ Қувончдир эрини,
Аёл талшаркан минг дарё кечиб.
Сен ўша қувончин урушга бердинг
Ўзинг тамгин буюқ Ҳасратни кўкиб.
Эшикдан эгилди Қувонч чиқар пайт
Сим қандоқ чидади, кўкрак — тордаги.
Естиқларда тўқнаш минг дардингдан айт —
Минг соғинчидан айт, эчтиқлардаги.
Бошқасини қўйвер, орғини-қамин,
Ювсанг кетадиган кўлинг гардиридир,
Энг буюқ ғам, асли Қувончинг ғамин,
Энг табаруқ дард ҳам соғинч дардиндир.
Онажон, ўтир бир ҳасратлашайлик...

Ширинлик

..Бу дархатнинг меваси шакар,
Талх бир ғам йўқ, йўқ алам-ангиз.
Ўзингиздан кўринг Сиз агар
Нафсингизни тиймасангиз,
Ўзингиздан ширинини қириб
Ташлолмайсиз, битмас чаласи.
...Кимни кўзлаб келар бостириб
Бу чивининг гала галаси.

● ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

ЯНГИ МУТАХАССИСЛАР

Тошкентдаги 44 ху-
нар-техника билим юр-
тида республикада бў-
лини робототехника бў-
лини очилди. Бу ерда
замонавий технология
ускуналарини ишла-
тувчи мутахассислар-
га эҳтиёт ортиб бора-
ётганлигига жавобан ана
шу янги бўлим ташкил
этилди. Хунар-техника
билим юртига оталиқ
қилётган корхона —
Чкалов номидаги Тош-
кент авиация ишлаб чи-
қариш бирлашмасида
янги касб мутахассис-
ларини қўтишмоқда.
Улар роботларни ўрга-
нишни ташкил этишда
ердам беришди. Ўқув
устахоналарида мах-
сус манипуляторлар ли-
ниясини монтаж қилиш
туғлиланди. Бу ерда
йигитчалар завод ша-
роитига яқинлаштирил-
ган вазиятда машғулот
ўтказиладилар. Чкалов
номидаги бирлашма ота-
лигиди 226 билим юр-
тида ҳам шундай бўлим
очилди.

Янги ўқув йилида ёш
ишчиларга ана бир му-
тахассислик — электро-
қисб шаклланди. Электро-
қисб касб тақлиф этил-
ди. 21-шаҳар махсус
хунар-техника билим
юртида бундай касбин
ўргатиш жорий этилган.

Ўзбекистон хунар-
техника билим юртлари
саноат беш йилликда
келаси корхоналари
ва ҳисоблаш марказла-
рига компьютерлар ва
роботларни ишлатуви
ва уларга қараб турув-
чи кингдан ортиқ мута-
хассис тайёрлаб беради.

ИНФОРМАТИКА КАБИНЕТИ

Янги ўқув йилида рес-
публикадаги ҳамма
хунар-техника билим
юртиларида информатика
кабинетлари иш-
лайди, эндиликда хунар-
техника таълими система-
сида тарбияланувчи
лар ўрта мактабларнинг
ўқувчиларига аталган
программа асосида ин-
форматика ва ҳисоблаш
техникаси асослари
билан танишди.

Бундай кабинетлар
хилма-хил ўқув қурол-
лари, дисплейлар, бош-
қа зарур асбоб-ускуна-
лар билан таъминлан-
моқда. Бу ерга машғу-
лотла келувчиларнинг
ҳаммасига еттиш учун
бундай кабинетлар
нинг ҳар бирини камида
30 та микрокалькулятор
бўлади.

Ўқувчилар ана шу қу-
ролар ердамида электро-
қисб шаклланди ма-
шиналари, уларнинг ту-
зилиши ва қўлланishi
қадакиги дастлабки
маълумотларни олиди-
лар. Маълумоти ишчилар
тайёрлаш умумий дара-
жаси ҳам ошади.

ЁДГОРЛИК АВТОМОБИЛИ

Қувончвар шаҳри-
даги энг катта қўш-
лардан бири — Па-
тия ХХII съезди номи-
даги ҳудуд ҳозир
пазача конвейердан туш-
ирилган «Бўйсиз»
айтди турган. ЗИ-
5 автомобили ўрна-
тиди. Бу автомобиль —
Улғур Ватан уруши
ҳайдовчиларига ёд-
горлиқдир.

ЗИС-5 автомобил-
лари ўндор, ҳарбий
техника, ярадорларни
ташиб фронт йўлида
да миллион-миллион
километр масофани
ўтган. Бузилмай қў-
шилладиган, унча қи-
рор талаб этмайдиган
ЗИС-5 юк машиналари
урушдан кейин ҳам
халқ ҳўжалигини тик-
лашда аҳситишга хиз-
мат қилди.

Ёдгорлик автомо-
билининг ўз қисмати
бор. Фронтдан қайтиб
келтирилганидан кей-
ин Қувончвар шаҳри-
нинг досафачилари
берилган эди. Инст-
рукторлар шу машина-
да озолаб профессо-
нал шоферларни ўқи-
дилар. Қўш машинаси
автомобил техникаси
си парадларида неча
бор қатнашган.

ТАСС мухбири.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ
БЕТ.ОҚШОМУ

26 АВГУСТ, 1985 й.

